

“Менинг армиям-менинг фахрим!”

мавзусидаги энг яхши тасвирий санъат асари танлови
НИЗОМИ

I. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ёшлар, шунингдек, профессионал ижодкорлар ўртасида ташкил этиладиган “Менинг армиям-менинг фахрим!” мавзусидаги энг яхши тасвирий санъат асарлари танлови(бундан кейинги ўринларда - “танлов” деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2.“Менинг армиям-менинг фахрим!”энг яхши тасвирий санъат асари танлови Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар доирасида Республика миқёсида ташкил этилади.

3. Ижодий ишлар танлови таъсисчиси: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика маънавият ва маърифат маркази.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

4. Танловнинг мақсад ва вазифалари:

Ёш ўсиб келаётган авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш, Ватан тақдирига бефарқ бўлмасликни ёшлар онгига, қалбига сингдириш, Қуролли Кучлар фаолиятдан фахрланиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Ватан ҳимояси учун ўз бурчларини адо этишга чорлаш;

Қуролли Кучларнинг мустақиллик йилларидаги қўлга киритган ютуқларини кўрсатиш ва ёшлар орасида тарғибот этиш;

Ватан ҳимоячилари ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг фақат ижобий тимсолини яратиш, халқ ва армия бирдамлигини кўрсатиш, ёшларни Ватан олдидаги бурчларини адо этишга жалб этиш, ҳарбий хизматчилар орасида ўз касбларига бўлган садоқатни кучайтириш;

ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ёшлар орасида таъсвирий санъатга бўлган қизиқишни уйғотиш

5. Танловнинг асосий шarti:

турли таъсвирий санъат жанрлари орқали ватанпарварлик, Ватан тимсоли ва унинг ҳимоячилари, Қуролли Кучлар салоҳиятини ва ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий бурчни тасвирлаш;

танловга тасвирий санъат усталарини, иқтидорли ёш ижодкорларни ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини жалб этиш;

танлов қатнашчиларида танловга бўлган қизиқишни кучайтириш, бунданда юксак натижаларга эришишга ундаш ҳамда ижодий ишларнинг энг сараларини тарғиб этиш.

III. Танлов ташкилотчилари

6. Танлов Ташкилий кўмитаси аъзолари рўйхати маъсул вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида тузилади.

7. Танлов Ташкилий кўмитасининг асосий вазифалари:

танловга топширилган ишларни бир жойга жамлаш ва саралаш ҳамда баҳо бериш;

танлов ғолибларини аниқлаш Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан тавсия этилган профессионал ижодкорлардан ташкил топган Ҳайъат аъзолари томонидан амалга оширилади;

танловни ўтказишда юзага келган ташкилий муаммоларни ҳал этиш ҳамда керакли чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Танловга топширилган ижодий ишлар 2022 йилнинг 4 январь санасига қадар топширилиди.

9. Танловга топширилган ишлар танловнинг Ташкилий кўмитаси аъзолари томонидан очик тартибда кўриб чиқилади. Ижодий ишларни баҳолаш ташкилий кўмита аъзоларининг 2/3 қисми бўлсагина баҳолаш жараёни амалга оширилади. Кўмита аъзолари овози тенг келиб қолган пайтда кўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

IV. Танлов мавзуси ва йўналишлари

10. Танловнинг асосий мавзуси унинг номланиши билан боғлиқ – **“Менинг армиям-менинг фахрим!”**.

11. Мавзунинг мазмуний йўналиши – ватанпарварлик, Ватанга ва ҳарбий қасамдга содиқлик, халқ билан армиянинг бирдамлиги, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат ва жамиятда армиянинг ўрни ва аҳамияти, ҳарбий касбнинг ўзига хослиги, ҳарбий хизматнинг улуғворлиги, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий анъаналар, ҳарбий бурч, номус, мардлик ва жасорат;

Хизмат фаолияти турига қараб хизмат бурчларини акс эттирган ҳолда эркин мавзуда :

- қаҳрамонлик ва жасурлик сиймолари;

- тарихий шахслар, буюк саркардаларимизнинг сиймолари;

- тарихий жанглардаги буюк ватанпарварлик акс эттирилган ижодий ишларни намойиш этиш.

12. Танлов профессионал ва ҳаваскор йўналишларда ўтказилади. Танловга қатнашиш учун ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги рангтасвир йўналиши бўйича ишлар қабул қилинади.

V. Танлов қатнашчилари

13. Танловга тақдим этилган ва дастлабки саралашдан ўтган ҳар бир иш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

14. Аввалги танловларда ғолиб деб топилган ижодий ишлар қайта кўриб чиқилмайди.

15. Ижодий танлов ишларини баҳолаш мезонлари: ғоявий маънодорлик, яратувчанлик, ўзига хослик ва бажариш маҳорати.

VI. Танлов ўтказиш тартиби

16. Танлов қатнашчилари мустақил равишда ёки ўз бошқармалари орқали асарларини Бадиий кўргазмалар дирекциясининг Марказий кўргазмалар зали Яккасарой тумани Шароф Рашидов кўчаси 40 уйга “танловга” деган белги ва ушбу Низом иловасига биноан расмийлаштирилган ариза билан олиб келишлари мумкин.

17. Аризанинг расмийлаштириш талабларига риоя этмаслик кузатилса, танлов материаллари кўриб чиқилмайди.

18. Шу билан бирга, иштирокчи танловга бирдан бештагача бўлган турли йўналишлардаги ишларни бирлаштирган ҳолда битта ариза билан бериши мумкин.

19. Дастлабки саралаш босқичидан ўтганлар танловга қабул қилинганлиги ҳақида хабар берилади.

20. Танловнинг ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими тантанали равишда танлов иштирокчилари кўргазмасининг очилиш маросимида ўтказилади.

21. Очилиш маросимига танловнинг барча қатнашчилари, ижодий уюшмалар вакиллари, зиёлилар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, ўқувчи ёшлар таклиф қилинади.

22. Ғолибларни тақдирлаш маросими вақти ва ўтказиш жойи Мудофаа вазирлиги раҳбариятива Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамда бошқа маъсул вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

VII. Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари

23. Танловда муаллифлар ишларининг қатнашиши ишларнинг кўргазма охиригача танлов уюштирувчилар ихтиёрида бўлишларига розилигини билдиради.

24. Очилиш маросими тугаши билан барча ишлар белгиланган тартибда ўз эгаларига қайтарилади.

25. Ташкилий қўмита танловни реклама қилишда барча материаллардан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

VIII. Танлов ҳақида маълумотлар ёритилиши

26. Танлов ҳақида маълумотлар, унинг жараёни ва якуни республика оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

IX. Танловни молиялаштириш

27. Танловни уюштириш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 14 декабрдаги Ф-92-сон Фармойиши 5-бандига мувофиқ Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларга

ажратилган Давлат бюджети маблаглари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари ҳамда бошқа қонунчилиги тақиқланмаган манбаларда ҳисобидан амалга оширилади.

Х. Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш тартиби

28. Ижодий ишлар қуйидаги тартибда баҳоланади:

Профессионал ижодкорлар ўртасида:

Рангтасвир йўналиши:

Ҳаваскор ижодкорлар ўртасида:

Рангтасвир йўналиши:

VII. Яқуний қоидалар

29. Танлов иштирокчиларининг танловда иштирок этиш, асарларни танловга тақдим этиш ва олиб кетиш харажатлари уларнинг ўз маблағлари томонидан амалга оширилади.

30. Танлов ташкилотчи ва иштирокчилари орасида пайдо бўлган баҳс ҳамда зиддиятларнинг ҳал этилиши дастлаб Ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

31. Ҳакамлар ҳайъати ҳал эта олмаган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида кўриб чиқилади.

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 977-моддасига мувофиқ заруратдан келиб чиққан ҳолда мазкур Танлов Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.